

## Гидрометрология техникумига ташриф

Бугун 2021 йилнинг 6 феврал кунида "Гидромелиорация" факультетининг "Профессионал таълим" йўналишининг 115 - гуруҳ талабалари ва гуруҳ мураббийси доцент Мукумова Дилрабо Инатовна билан бирга, институтимиз ректори буйруғи асосида "5+1" усулида таълимни ташкил этиш чоратадбирларини амалга ошириш мақсадида Тошкент гидрометрология техникумига ташриф буюрдилар. Талабалар айнан ўша жойда дарсларнинг қандай ташкил этилгани, президентимиз янги қарорларининг қай йўсинда жорий этилгани ва техникумдаги инновацион жараёнлар билан танишдилар, ўзаро билим алмашдилар. Ёшларга бўлган эътиборни янада кучайтиш ва мустақил изланиши, билимларни ўзлаштириши учун бугунги кунда кенг шароит ва имкониятлар яратилган. Лекин астойдил мавжуд имкониятлардан фойдаланиш лоқайдлигимиз сабабли амалга оширилмасдан қолмоқда. Мустақил таълим куни, ҳафтанинг ҳар шанба кунида амалга оширилиб, инновацион усуллар орқали талабаларни билим - савиясини ошириш мақсадида ташкил этилди.



Имкон қадар талабаларимизга барча шароитларни ёритиб, ёрдам қўлимиизни чўзишимиз керак. Талабаларни хоҳишларига - фарзандларимизга қарагандек қарасак, ҳеч муболаға бўлмайди, яъни талабаларимиз дунёдаги ҳалқаро рейтинглардан энг юқориларини эгаллашади. Тафаккур қилишини тўхтатмасликлари учун талабаларимиз ҳаётида ҳозир бўлишимиз керак. Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки - "Талабаларимиз" кўзларидағи қувончни ҳис қилишимиз, уларнинг мақсад сари интилишларини кўрганимиздагина - ўз касбига лойик ўқитувчи бўла оламиз.

**ТИҚҲММИ матбуот хизмати**